



## Кадрлар бўлими тўғрисида НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1.** Кадрлар бўлими (кейинги ўринларда – Бўлим деб юритилади) Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда – Бошқарма деб юритилади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бошқарма бошлиғи бевосита раҳбарлигига, шунингдек Давлат статистика кўмитаси Кадрлар бошқармасининг умумий раҳбарлигига кадрлар бўйича бошқарма ишларини ташкил этилишини ҳамда амалга оширилишини таъминлайди.

**2.** Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Конунига, Давлат статистика кўмитасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, “Самарқанд вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низом, шунингдек, мазкур Низомга амал қиласди.

### II. БЎЛИМНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

**3. Бўлимнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:**

кадрларни танлаш ва жойлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш, уларнинг малакасини ошириш, бошқарма тизими учун кадрларни ўқитиш ва қайта ўқитиш тизимини шакллантиришга ёрдам бериш;

раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун кадрлар заҳирасини шакллантириш ва тайёрлаш;

бошқарма тузилиши ва штатлар жадвалини мақбуллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишида катнашиш;

ходимлар билан ишлашда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг меъёrlарига риоя этилишини таъминлаш;

бошқарма ходимларининг иш қобилиятини ошириш мақсадида ишлаш учун қулай шарт-шароит яратишга ва жамоада соғлом маънавий-рухий мухитни сақлаб туришга доир ишларни амалга ошириш;

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларида туман ва шаҳар статистика бўлимларининг фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш.

**4. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ, қўйидаги функцияларни амалга оширади:**

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқарма, туман ва шаҳар статистика бўлимлари ходимларининг танланиши ва жой-жойига қўйилишини таъминлаш;

бошқарма, туман ва шаҳар статистика бўлимлари ходимларини ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаб, кўриб чиқиши учун раҳбариятга тақдим этиш;

бошқарма бўлинмалари ҳамда туман ва шаҳар статистика бўлимларидағи кадрлар билан боғлиқ вазиятни мунтазам таҳлил қилиб бориш, ундаги ўзгаришлар бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

ходимларнинг амалий ва касбий сифатларини ўрганиш, уларнинг касбий ва лавозим поғоналарида ўсишини режалаштириш;

бошқарма тизимининг барча даражалари учун кадрлар заҳирасини яратиш ва уни аниқ мақсадли тайёрлаб бориш;

ходимларни аттестациядан ўтказилишини ташкил этиш, аттестация якунларини таҳлил қилиш, тегишли ҳужжатлар ҳамда буйруқларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;

бошқармада, туман ва шаҳар статистика бўлимларида меҳнат қонунчилиги талабларига оид меъёрий-хуқукий ҳужжатларнинг, ички меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назорат ишларини ташкил қилиш;

бошқарма бўлинмалари ҳамда туман ва шаҳар статистика бўлимларининг тузилма ва штат бирликларига ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритиш, бошқарма лавозимлар номенклатурасига ўзгартиришлар киритиш бўйича тегишли таклифларини раҳбариятга киритиш;

ишга янги қабул килинган ходимлар умумий ва касбий кўникиши борасидаги ишларни олиб бориш, кадрлар қўнимсизлиги сабабларини ўрганиш, ҳадрларни барқарорлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг ходимлар меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишга таъсирини кучайтириш юзасидан таклифлар ҳамда тавсиялар киритиш;

кадрлар шахсий таркибининг статистик ҳисобини юритиш ҳамда белгиланган ҳисоботларни тайёрлаш;

ходимларнинг меҳнат дафтарчалари, шахсий йиғма жилдлари, картотека ва бошқа ҳисобга олиш материалларини юритиш ҳамда сақлаш;

кадрларга оид ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда бошқарма бўлинмалари ҳамда туман ва шаҳар статистика бўлимлари раҳбарларига ёрдам бериш;

бошқарма бўлинмалари ҳамда туман ва шаҳар статистика бўлимларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

бошқарма раҳбарлари билан биргаликда хизмат сафарларига юбориш учун номзодларни танлаш ва бу ходимларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш, хизмат сафарига юбориладиган ходимлар ҳамда хизмат сафари билан келадиган бошқа ташкилотлар ходимлари ҳисобини юритиш;

ходимларнинг хизмат сафарлари бўйича буйруқлар тайёрлаш, хизмат сафари гувоҳномаларини расмийлаштириш ва бериш;

меҳнат таътилларидан ўз вақтида фойдаланилишини назорат қилиш, белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

ҳарбий хизматга мажбур бўлганларнинг ҳисобини юритиш, ишлар режасини ва белгиланган тартибда ҳисоботларни ишлаб чиқиш;

бўлимга тааллуқли масалалар бўйича хатлар, таклифлар, аризалар, фуқаролар ва бошқарма бўлинмалари ҳамда туман ва шаҳар статистика бўлимлари ходимлари арзларини белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

бошқарма раҳбар ходимларининг имзоларини тасдиқлаш;

бошқарма, туман ва шаҳар статистика бўлимлари учун кадрлар тайёрлаш мақсадида, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

ходимларнинг малака ошириш масалалари бўйича тегишли ишларни олиб бориш;

амалий ишда алоҳида ўrnak кўrsatgan ходимлар, шунингдек юбилияларни давлат мукофотлари, фахрий ёрликлар, мукофотлар билан тақдирлаш ҳамда улар учун

рағбатлантиришнинг бошқа турларини қўллаш юзасидан ҳужжатларни белгиланган тартибда тайёрлаш;

бошқарма, туман ва шаҳар статистика бўлимлари ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишга, меҳнат учун қулай шарт-шароит яратишга, дам олишни ташкил этишга ва улар саломатлигини ҳимоялашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

белгиланган тартибда касаллик ва рақаларини расмийлаштириш, ходимларга пенсиялар тайинланиши муносабати билан ҳужжатларни тайёрлаш;

бошқарма, туман ва шаҳар статистика бўлимларида меҳнат интизомига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш, ходимларнинг интизомий жавобгарлиги масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

тасдиқланган тартибга мувофиқ, ходимларга хизмат гувоҳномалари ва руҳсатномалар расмийлаштирилиши ҳамда берилишини ташкил этиш;

ходимларнинг ҳозирги ва аввалги меҳнат фаолияти тўғрисида маълумотномалар бериш;

ходимларга ва ишга қабул қилинаётган шахсларга маслаҳатлар бериш, бўлим ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан фуқароларнинг хатлари ва мурожаатларини кўриб чиқиши;

бошқарма тизимининг кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

бошқарма тизими бошқарув кадрларининг малакаси ва билим савиясини доимий равишда ошириб бориш тизимини яратиш.

### **III. БЎЛИМНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **5. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

кадрлар билан ишлаш учун режалар ва дастурларни ишлаб чиқиш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда бошқарма бўлинмаларидан ҳамда туман ва шаҳар статистика бўлимларидан сўраш ва олиш;

ўз ваколати доирасида бошқарма тизимида кадр ишларининг аҳволи ва малакасини оширилишини текшириш масалалари бўйича йиғилишлар ўтказиш;

бошқарма тизимида меҳнат қонунчилигига ҳамда кадрлар таъминоти масалалари билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қандай риоя этилаётганлигини назорат қилиш ва текшириш;

қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш, амалдаги меҳнат қонунчилиги талблари бажарилишини таъминламаган ёки улар бузилишига йўл қўйган раҳбарлар ва бошқа ходимларни жавобгарликка тортиш юзасидан раҳбариятига таклифлар бериш;

кадрлар билан ишлаш ҳамда бошқарма тизими тузилиши ва штатлар жадвалини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан белгиланган тартибда раҳбариятга, таклифлар киритиш;

бошқармада ўтказиладиган йиғилишлар ва кенгашлар ишида қатнашиш;

ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича маълумотларни ва зарур бўлган материалларни бошқа ташкилотлардан сўраш;

бўлим иши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун бошқарма тизими ходимларини жалб этиш (раҳбарият билан келишган ҳолда).

#### **6. Бўлимнинг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:**

кадрлар масалалари бўйича ишларни йўлга қўйиш ва амалга оширишга ҳамда ўз ваколати доирасидаги бошқа материалларнинг савиясига жавоб беради;

меҳнат қонунчилиги меъёrlарига риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради;

ходимларнинг иш қобилиятини ошириш мақсадида ишлаш учун нормал шарт-шароит яратиш ва жамоада соғлом маънавий-руҳий мухитни саклаб туриш учун жавоб беради;

бўлим ходимлари тегишли маълумотларнинг махфийлигини таъминлашга, келиб тушувчи ва чиқувчи материаллар бўйича давлат ва тижорат сирларини саклаш учун жавоб беради.

7. Бўлим ходимлари томонидан ушбу Низом талаблари бажарилмаганда қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

#### IV. БЎЛИМ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

8. Бўлим айлана шаклидаги бўлим номи бўлган таркибий муҳрга эга.

9. Бўлим ўз ишини бошқарма раҳбарияти тасдиқлайдиган, истиқбол учун ишлаб чиқилган ҳамда жорий режалар асосида ташкил этади.

10. Бўлим Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда бошқарма бошлиги томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бўлим бошлиги томонидан бошқарилади.

11. Бўлимнинг тузилиши ва штат бирлиги сони амалдаги қонунчиликка асосан Давлат статистика қўмитаси белгилаган тартибда тасдиқланади.

#### V. БЎЛИМ ХОДИMLARINING LAVOZIM VAZIFALARI (ЙЎРИҚНОМАСИ)

##### 12. Бўлим бошлиги лавозим вазифалари:

бўлимнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қиласи ва беришган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишига шахсан жавоб беради;

бажарилиши лозим бўлган юқлатилган ишларга, мажбуриятларга, ижро ва меҳнат интизоми ҳолатига жавобгарликни, шунингдек меҳнат жамоасидаги маънавий ва руҳий мухитга шахсий жавобгарликни ўз зиммасига олади;

кадрлар билан тўлдириб бориш ва унинг ишини самарадорлик даражасини ошириш бўйича чоралар кўради;

кўйилган вазифалар, бўлимга кирувчи хужжатлар назорати ва иш жараёнида тажриба алмасиш бўйича бўлим ходими билан йўриқнома тарзидаги йигилишлар ўтказади;

иш юритиши, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишининг қатъий назорати бўйича ишларни ташкил этади, ишга оид бўлган хужжатлар билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ўрнатилган тартибга ходимларнинг амал қилишини таъминлади;

Ўзбекистон Республикаси Конунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари ва мөъёрий хужжатларни бошқарма бўлинмалари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари ходимларига белгиланган тартибда етказиш ва ижросини таъминлаш;

белгиланган тартибда бошқарманинг бошлиғи, бошлиқнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда иштирок этиши;

бошқарма тармоқ бўлимлари билан биргаликда бўлимнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича керакли бўлган хужжатларни тайёрлашда иштирок этиши;

шаҳар, туман статистика бўлимларига кадрлар бўлимидан берилаётган буйруқ ва ҳар қандай хужжатларни сакланишини тартибга солишни назорат қилиш, уларни иш фаолияти билан танишиш ва амалий ёрдам бориш ишларини таъминлаш;

бошқарманинг бўлимга тегишли вазифалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Кадрлар бошқармаси билан бевосита боғланиб туриш ва беришган топшириқларни ўз вақтида бошқарма, туман ва шаҳар статистика бўлимларига етказишни таъминлаш;

бошқарма, туман ва шаҳар статистика бўлимларига меҳнат шартномаси асосида ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш, ишга қабул қилинаётган ходимлардан қонунда белгиланган ҳужжатларни талаб қилиш ва керакли буйруқлар тайёрлаш ишларини олиб бориш;

бошқарма касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда меҳнат таътили жадвалини ва ички меҳнат тартиб қоидасини тузишни таъминлаш;

бошқарма, туман ва шаҳар статистика бўлим бошлиqlарига резерв ходимларни тайёрлаш, уларни ишдаги силжисини назоратга олишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқикотлари Марказига тасдиқланган режа асосида ходимларни малака ошириш ўқишиларига боришни таъминлаш;

бўлимнинг низоми ва лавозимлар йўриқномасига бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар киритиш;

бўлим ходимларини сиёсий, иқтисодий ва ҳукуқий малакасини ошириш устида мунтазам ишланиш;

штатлар жадвалини юритиш;

меҳнат дафтарчаларини юритиш;

бўлим ҳужжатларини келгусида сақлаш ва улардан, фойдаланиш учун архивга топширишга тайёрлаш;

кадрлар заҳирасини яратиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш;

бошқармада навбатчиликни ташкил этиш учун навбатчилик жадвалини тузиш ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқлангандан сўнг ходимларни танишириш;

бўлимга ажратилган хонанинг асосий воситаларининг ҳолатига жавоб бериш;

бошқарма ходимларини ишга ўз вактида келишиларини назорат қилиш китобини текшириш;

тегишли давлат статистика ҳисботларини тайёрлаш;

### **13. Бўлим бошлиғи куйидаги ҳукуқларга эга:**

бўлим ходимлари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш ва уларнинг лавозим вазифаларини белгилаб бериш;

ходимларни лавозимини ошириш, жойини ўзгартириш, рағбатлантириш, лавозим маошларига алоҳида устамалар қўшиш, камайтириш ёки бекор қилиш, зарур ҳолларда жазо чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритиш;

бўлим ишини такомиллаштириш, шунингдек ҳисбот, ижро ва меҳнат интизомини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

бошқа идоралар, корхоналар ва ташкилотлар билан бўлим ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилишда белгиланган тартибда раҳбарият билан келишилган ҳолда бошқарма номидан иш юритиш;

бўлимга келиб тушувчи ва чиқувчи маълумотлар бўйича давлат ва тижорат сирларини сақланишини таъминлаш.

бошқарма бўлинмалари ҳамда туман ва шаҳар статистика бўлимлари номига юбориладиган, раҳбарият қарорларини талаб қилмайдиган хатларни имзолаш.

### **14. Бўлим етакчи мутахассиси лавозим вазифалари**

бўлим бошлиғи ишларига амалий ёрдам кўрсатиш ва унинг йўқлигида унинг вазифасини бажариш;

буйруқлар тайёрлаш (ипга қабул, бошқа лавозимларга ўтказиш ва меҳнат шартномасини тутатиш, кадрларни рағбатлантириш ва интизомий жазога тортиш, комиссияларнинг тавсияларини тавсифномалари ва шахсий таркибини тасдиқлаш, устама хақлар белгилаш, таътиллар бериш тўғрисидаги ва бошқа буйруқлар);

меҳнат шартномаларини (контрактлар) тузиш;

ходимларнинг шахсий йигма жилдларини юритиш;

ходимларнинг шахсий карточкаларини (Т-2 шакл) юритиш;

буйрук чиққандан кейин ходимга гувоҳнома бериш;

мехнатга лаёкатсизлик варақасини қабул қилиш (берилган жойнинг штампи, мухрини ва саналарини текшириб, туман, шаҳар бўлимларига топшириш);

ходимларни пенсияга чиқиши хужжатларини расмийлаштириш;

ходимларнинг сўровига асосан архив маълумотномасини тайёрлаб, тақдим этиш;

ходимларнинг рўйхатда турар жойи бўйича туман мудофаа ишлар бўлими билан солиштириш ишларини олиб бориш;

мехнат қилаётган ва ҳарбий хизматга мажбур бронлаштирилган шахслар сони ҳақида маълумотлар юритиш ва уларнинг ҳисботини ўз вақтида топшириш;

ходимларнинг малака ошириш жадвалини тайёрлаш;

мехнат таътили жадвали асосида ходимларни меҳнат таътилига чиқариш юзасидан хужжатларни тайёрлаш, ходимларни меҳнат таътили навбати ҳақида огоҳлантириш;

бўлимдан чиқарилаётган хужжатлар ва маълумотларнинг белгиланган тартибида расмийлаштирилишини ва бошқарма бўлинмалари, туман ва шаҳар статистика бўлимларига етказилишини таъминлаш;

ўзига бириктирилган вазифаларнинг сифатли ҳамда ўз вақтида бажарилишига жавоб бериш;

ўзининг сиёсий, иқтисодий ва хуқуқий малакасини ошириш устида мунтазам ишлаш.

### 15. Бўлим етакчи мутахассиси қўйидаги хуқукларга эга:

бўлим бошлиғи йўқлигига унинг хуқукларидан фойдаланади.

#### Кадрлар бўлими:

| Т/р | Лавозим           | Ф.И.О.                        | Таништирилганлиги тўғрисида имзоси |
|-----|-------------------|-------------------------------|------------------------------------|
| 1.  | Бўлим бошлиғи     | Мухамадиева Гулсара Рабимовна |                                    |
| 2.  | Етакчи мутахассис | Тагаева Моҳичеҳра Иргашевна   |                                    |